

o'rnini bosuvchi predmetlardan foydalinadigan o'yinlarni o'ynashda zarur bo'lgan malaka va ko'nikmalarni egallahsga ko'maklashadi.

SHuning uchun makatabgacha yoshda o'yin eng muhum faoliyat sifatida katta axamiyatga ega. O'yin maktabgacha yoshdag'i bola shaxsini, uning ahloqiy va iradaviy sifatlarini shakllantirishning samarali vositasi hisoblanadi, o'yinda dunyoga ta'sir ko'rsatish zaruriyati amalga oshadi. Bola ruhiyatida sezilarli o'zgarishlar yuz berishiga olib keladi. Mashhur pedagog A.S.Makarenko bolalar o'yinlarining rolini ta'riflab, bola hayotida o'yinni huddi kattalarning ish faoliyati, hizmatining ahamiyati bilan tenglashtiradi. Bola o'yinda qanday bo'lsa, ishda ham ko'p jihatdan u shunday bo'ladi deb hisoblaydi. Shuning uchun bo'lajak arbobning tarbiyasi ko'p tomondan o'yin orqali amalga oshiriladi. O'yin insonning butun umri davomida unga hamroh bo'lib, sexr-jodu, taqlidiy haddi-harakat, sport, sa'nat va ayniqsa uning ijrochilik shakllari bilan tutashib ketadi. O'yin jismoniy mashq va kelajakdagi hayotiy vaziyatlarga psixologik tayyorgarlik vositasidir.

O'yin malakasini egallah, faoliyatni modellashtirish bo'lib, uning o'ziga hos hususiyati hulq atvor qoidalari tizimining mavjudligidir. O'yin bu bolalar uchun eng qulay faoliyat turi, atrof muhitdan olingen taasurotlarni hususiyatlari, uning his hayajonlari, faolligi va muloqatga bo'lgan ehtiyojining rivojlanishi yaqqol namoyon bo'ladi. O'yin rivojlanishining yetakchi manbai sifatida optimal rivojlanish uchun juda muhumdir. Bu BMT ning Bola huquqlari to'g'risidagi Konvensiyasining 31- moddasida ham belgilangan. Unda aytishicha, bolalar yoshiga mos o'yinlarga ishtirok etish huquqiga ega. Bolalar o'yin kompetensiyanini egallashlari uchun ularga vaqt, makon materillar hamda ota ona yoki vasiylarning, maktabgacha yoshdag'i bolalar bilan ishlaydigan malakali tarbiyachilarning qo'llab quvvatlashi kerak. O'yin alohida bolalar uchun ta'limda muvozanatni saqlashga yordam beradi, chunki bola o'z ta'limini qo'llab-quvvatlash uchun zarur bo'lgan darajada va jadallik bilan olib boradi. U har bir bolaning rivojlanish ehtiyozlari va manfat g'ayrioddiy tarzda inobatga oladi. O'yin odatda erkin tanlangan, bolalarga qaratilgan va zavqli faoliyat sifatida belgilanadi.

## ОЙБЕК ВА РУС ШЕЪРИЯТИ

**Ҳадятиллаева Шоҳсанам Валижоновна**

*Бешариқ тумани 32-мактаб  
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси,*

**Содиқова Ёқутхон Мухаммад қизи**

*Бешариқ тумани 32-мактаб  
рус тили фани ўқитувчиси,*

**Содиқова Нилуфар Юсуфжон қизи**

*Бешариқ тумани 32-мактаб  
рус тили фани ўқитувчиси,*

Ойбек ижодига хос бўлган хусусиятлардан бири бадиий таржиманинг ўрнидир.

Бу ҳақда академик Наим Каримов шундай ёзади: "...ўзбек бадиий таржима мактаби XX аср бошларида Туркистонда, сўнгра Ўзбекистонда янги тараққиёт босқичига кўтарилиб, ўзбек халқига рус ва жаҳон адабиётининг буюк намоёндалари ижоди билан яқиндан танишиш, янги бадиий оламни кашф этиш имкониятини яратди. Ойбек устозлари бошлаб берган шу муборак ишни меҳр билан давом эттириб, ижодий ҳаётининг қарийб барча босқичларида бадиий таржимага алоҳида эътибор ва муҳаббат билан қаради"<sup>96</sup>.

Ойбек талабалик йиллариданоқ рус шеъриятига муҳаббат қўяди ва Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Толстой каби машҳур рус шоирларининг шеърларини қўнт билан ўқиди. Бу ҳақда Ойбекнинг ўзи “Ана шундан бошлаб, мен рус поэзияси булоғини топиб олдим”, деб таъкидлайди. Айниқса, Ойбек ижодига Александр Блокнинг таъсири катта бўлган. Ойбек Блок ижоди билан танишувини эслар экан: “Шундан кейин “кашфиётлар” оқими мени лол қолдираверди. Булар орасида мен учун энг муҳим бўлган бир кашфиётни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бу менинг поэзия оламида Александр Блок билан танишувим эди... Мени Блок мисраларининг ҳар бири лиризмга тўлиқлиги, ҳар бир сўзда унинг маънавий олами сезилиб туриши ҳайратда қолдираварди. Блок ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасини ўз асарларида агадийлаштира олар, шунинг учун ҳам уларни ўқигандан, ўзингизни ана шу мангуликнинг қучоғида ҳис этардингиз... Блок асарларида ўз кайфиятини аниқ фикрга ва равshan манзарага айлантирмайди, кайфияти кайфиятлигича қолади, бироқ ўшанда ҳам унинг ана шу кайфияти лиризм ва образлика тўлиқ бўлади”<sup>97</sup>. Ойбек ижодига рус шеъриятининг таъсири қўйидаги фикрда ҳам ўз тасдиғини топади: “Туйғулар” муаллифи билан “Ямблар” ва “Соҳибжамол ҳақидаги шеърлар”нинг муаллифини, энг аввало, ўта самимилик, даврни, инсоннинг агадийлигини

<sup>96</sup> Каримов Н. Ойбекнинг таржимонлик маҳорати. // “Жаҳон адабиёти” журнали, 2013 йил, 1-сон.

<sup>97</sup> Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 14-том. 284-285-бетлар.

буюклигини түйғу ва кечинмалар пўртанаси орқали тасвиirlаш, ўткинчи, аммо ноxуш ҳоллардан яраланиш каби фазилатлар бирлаштириб туради. Шоир ўз ҳаётининг Нева бўйларида кечган даврида Блок ва бошқа рус шоирларини ўқиб, ўз шеърий малакасини ошириш чораларини кўрар экан, аввалги эстетик принциплардан қайтмади, балки уларни янада шакллантириди, уларни сентиментал фифон ва надоматларнинг мунгли оҳангларидан тозалашга уринди”<sup>98</sup>.

“Блок шундай шоирки, одамни “касаллантириб”, аниғи, “Блок касали” га гирифтор этиб қўяди. Ва у бутун борлиғингизни аёсиз эгаллаб олади. Ичингизда қандайдир ҳаётий, руҳий рақобатлар кучаяди. Шунда “касалликдан” қутулиш чораларини излаш керак. Ойбек ана шу хавфдан ўзини омон сақлай олган, ўттизинчи йиллардаёқ улкан маънавий, қудратли, мустақил шахс сифатида шаклланган қаламкаш”<sup>99</sup>, - деб ёзганда Рауф Парфи ҳақли эди.

Блокнинг қуйидаги “Оқ тунларда қип-қизарган ой”, “Совуқ кунда, кузнинг кунида”, “Майли оой ёришсин – қорайсин кеча”, “Сен қандай алдоқчи, қандай покиза”, “Янада ажойиб бўзарган осмон, Янада тушкундир бўзарган олис”<sup>100</sup> каби мисраларида тасвир зидликларини кузатамиз. Блок шеъриятига хос бўлган хусусиятларни Л.Тимофеевнинг қуйидаги фикрларида яққол кўрамиз: “Қаршилантириш Блок учун образ қурилишнинг ўзига хос үсули ҳисобланади. Биз қаршилантиришни нафақат алоҳида мисра ва бандларда, балки кўп ҳолларда асарнинг яхлитлигини таъмин этувчи асосий сюжет йўналиши ёки композицион асосида кўрамиз”<sup>101</sup>.

Ойбек Блокнинг юқоридаги сатрларидан ижодий таъсиранган ҳолда “Қайғу-да меҳримни сенга етказмас”, “Эй, чексизлик йўлчиси, Кўзи юмуқ, кучли қиз”, “Йўқ кулги дудоқда, Мен дардли бир ўксиз, Тундир менга кундуз, Кўкларда булат... куз”, “Бу чексизликда сен олтин зарра”, “Жабр билан кишан туғишган, Эрклик билан қуёш ва баҳор” сатрларини яратган ва бу сатрларида ҳаёт, инсон ҳақидаги фалсафий фикрлар ёрқин ва аниқ чизгилар орқали тасвиirlанган.

Ойбекнинг “Абадий йўлчилар” шеърида ҳам Блок ижодининг таъсирини кузатиш мумкин. Блоқдаги “қорли йўл” чексизлиги абадийлик тимсоли бўлса, Ойбекдаги қора сочин қиз каби ёйган кеча ҳам ана шу мангулика дахлдордир. Адабиётшунос олим А.Сабирдинов ҳам Ойбек ижодига Блок таъсирини шундай ифодалайди: “Ойбекнинг “Абадий йўлчилар” шеърида ҳам буюк санъаткордаги ана шундай тасвир услубининг ижодий таъсирини, лириканинг жанр хусусиятларини белгиловчи асосий жиҳат инъикосини яққол кўриш мумкин. Шеърда мутассил ҳаракатда бўлган олам, унинг

<sup>98</sup> Каримов Н. Ойбек. Тошкент. – 1985. –Б.48.

<sup>99</sup> Иброҳим Ҳаққул. Абадият фарзандлари. – Тошкент, 1980. Б.182.

<sup>100</sup> Блок А. Лирика. – М.: Правда, 1985.

<sup>101</sup> Тимофеев Л. Слово в стихе. –М.: 1982